

Ta'limning zamonaviy transformatsiyasi

Talabalarni dars jarayoniga qiziqtirish va ularning faolligini oshirish

Muqimjon Axunov Muhammadaminovich

(PhD) filologiya fanlari bo'yicha falsafa doktori

Мукимжон Ахунов Мухаммадаминович

(PhD) доктор философских наук в филологии

Mukimjon Akhunov Mukhammadaminovich

(PhD) Doctor of Philosophy in Philology

E-mail: muqimjon.axunov@bk.ru

Telefon: +998979977443

Marjona Muxiddinova Nodirbek qizi

Andijon davlat chet tillar instituti talabasi

Мухиддинова Маржона

Студентка Андижанского государственного

института иностранных языков

Mukhiddinova Marjona

Student of Andijan State Institute of Foreign Languages

E-mail : marjonamuxiddinova03@gmail.com

Telefon: +998914923282

Annotatsiya: Ushbu maqolada muallif hozirgi ingliz va ўзбек тилларида малабалар фаоллигини оширишда интерфаол усуллардан фойдаланиши haqida o'z mulohazalarini bayon qilishga harakat qilgan. Bunda muallifning diqqat markazida ingliz va o'zbek tillarida yozilgan малабалар фаоллигини оширишда интерфаол усуллардан фойдаланиши asosiy tadqiqot materiali sifatida o'rganilgan. Maqolani tayyorlash jarayonida muallif ingliz va o'zbek tilshunoslarining qarashlariga tanqidiy yondoshgan va o'z mulohazalarini dadil bayon qilgan. Maqola ingliz va o'zbek tili tarjimashunoslik va uning leksikologiyasini o'rganuvchilar uchun foydali bo'lishi mumkin.

Kalit so'zlar: nutqiy ko'nikma, nutqiy vaziyat, pedagogik va psixologik,

Ta'limning zamonaviy transformatsiyasi

morfologik usul, pedagogic texnologiya, sintaktik usul, motivatsiya.

Чет тил ўқитишдаги замонавий технологиялар курси бошқа фанлар билан боғланган ҳолда ҳамкорликда иш олиб боради. Бу фанларга тилшунослик, психология, психолингвистика, педагогика, чет тил ўқитиши методикаси, педагогик маҳорат каби фанларни киритиш мумкин. Ушбу фанларга эришилган ютуқ ва тажрибани интеграллаштириш орқали чет тилини ўқитишини технологик асода ташкил қилишга ҳаракат қилинади.

Таълим жараёнининг самарадорлиги, ўқув материалини ўқувчилар томонидан чуқур ўзлаштирилишининг энг муҳим омилларидан бири – ўқитиши усуллари ҳисобланади. Билим, кўникма ва малакаларни шакллантириш учун қўлланиладиган таълим усуллари ўқув мақсади, тил материалининг хусусияти, ўқувчиларнинг билим даражаси, қизиқишлари асосида танлаб олинади.

Улар технологик жараён қисмларини бир-бири билан боғлаб турувчи муҳим дидактик звено (бўғин) ҳисобланади. Шунингдек, таълим усуллари ўқитувчи ва ўқувчиларнинг таълим жараёнидаги ҳамкорлигини амалга оширувчи восита ҳамdir.

Аслида “усул” сўзи грекча “методос” сўзидан олинган бўлиб изланиш, билим йўли, таъминот маъносини билдиради. Усул ўқув жараёнидаги ўқитувчи томонидан қўйилган конкрет вазифани бажариш учун хизмат қиласи.

Маълумки, таълим жараёнидаги ўқитувчи ва ўқувчи ҳамкорлигининг натижаси ўқитиши олдига қўйилган мақсадга эришилишини, яъни лойиҳалаштирилган билим, кўникма ва малакаларни ўқувчи томонидан ўзлаштиришидир.

Педагогик технологияга оид адабиётларда кўрсатилишича, таълим берувчи ва таълим олувчининг мақсадларини амалга

Ta'limning zamonaviy transformatsiyasi

оширувчи вазифани таълим усуллари бажарар экан. Маълумки, ўқув жараёнида таълим берувчи ва таълим олувчининг мақсади ва фаолияти ҳар хил бўлсада, кўзланган натижага бирга эришилади.

Бунга эса фақат биргаликдаги фаолият – ҳамкорлик фаолияти орқалигина эришиш мумкин. Шунинг учун ҳам дарсни ташкил қилишда ўқитувчи ва ўқувчиларнинг ўзаро ҳамкорлиги бир-бирига ишонч ва ҳурмат асосида ташкил қилиниши мақсадга мувофик.

Маъруза усули чет тили факультетларидаги назарий фанларни ўқитишида кўп қўлланилади. Ўрта мактаб ва коллежларда чет тили ўқитиши эса нутқий фаолият турларига (гапириш, тинглаб-тушуниш, ёзиш ва ўқишига) йўналтирилганлиги ва шуларга мос кўникма ва малакалар ҳосил қилишни кўзлаганлиги учун ҳам бунда ўқитишининг намойиш қилиш, тушунтириш, хикоя қилиш, иллюстрация (расмли кўргазмалик) видео-усул, машқ қилиш, (оғзаки ва ёзма машқлар), брейнсторминг, ролли ўйинлар, савол-жавоб, бахс-мунозара, пинборд ва бошқалар кенг қўлланилади.

Ушбу усуллар чет тили ўқитишидаги уч босқич – презентация, машқ қилиш ва нутқий вазиятларда қўллаш босқичларида мақсадли фойдаланилади. Шунинг учун ҳам қайси усулдан қайси вақтда ва қандай фойдаланиш ўқитиши олдига қўйилган мақсад ва ўқув материалининг характеристидан келиб чиқиб аниқланади.

Педагогик ва психологик адабиётларда ахборотни эслаб қолишнинг самарадорлиги қуидагича келтирилади:

1. Эшитганда
2. Ўқиганда
3. Кўрганда
4. Кўрган ва эшитганда
5. Мухокама қилганда
6. Ўқиган, ёзган ва гапирганда
7. Ўқиганда, ёзганда, мухокама ва намойиш қилганда

Ta'limning zamonaviy transformatsiyasi

8. Бошқаларга ушбу ўқув материалини ўргатганда эса ёдда сақланиб қолар экан.

Сўз маъносини очиб беришда вербал усулни қўллаганда ўқитувчи янги ўрганилаётган сўзни маълум бир контекст ичидаги келтирилади, талабалар эса уни тушуниб олишига харакат қиласилади. Масалан:

*There are many **buildings** in the city.*

*Our school is also a **building**. There are many large **buildings** in the city. There are hotels, schools, offices and cinemas. They are different **buildings**.*

Ушбу контектда “**building**” сўзи янги сўз сифатида дарс жараёнига киритилмоқда.

Яна бир мисолни келтирамиз:

I know one boy. He is lazy. He gets up late. He doesn't want to work.

So, he does nothing all day. He is lazy. We say to him "Don't be lazy"

Ушбу гапда “*This boy is lazy*” десак у “*lazy*” сўзининг маъносини очиб беришда ўқувчилар учун қийинчилик туғдиради. Бунинг учун унинг маъносини очиб берувчи “*He gets late; He doesn't do anything all day;*” каби гаплар керак. Сўз маъносини очиб беришнинг ушбу усули кўпроқ мавҳум (абстракт) сўзларнинг маъносини таржимасиз усул билан очиб беришда қўлланилади.

Ўқитувчи маъруза давомида ушбу усулни талабалар томонидан қўлланилишини билиш ва уларни тушунганлик даражасини аниқлаш учун “*market*”, “*look for*”, “*visit*” каби сўзларни келтириб талабалардан уларнинг маъносини очиб берувчи гапларни тузишни сўраши хам мумкин.

Бундай топшириқлар маъруза давомида талабаларнинг қизиқишлигини оширишга ёрдам беради ва уларни фаолликка

ундайди.

Лексик бирликларни турли нутқий вазиятларда қўллашга ўргатишида қуидаги ўқитиш техникаларидан фойдаланиш мақсадга мувофиқ, чунки улар ўрганилаётган сўзни контекстда ишлатилишини кўрсатишида самарали усул хисобланади.

Замонавий педагогик технологияларнинг қуидаги қоидалари мавжуд: илмийлик, лойиҳалашга мослик, тизимлик, мақсадларга йўналганлик, фаолиятий ёндашишидир, бошқаришга мослик, қайта тиклашга мувофиқлик, самарадорлик.

1. Илмийлик қоидаси ҳар бир ўқитилаётган предмет мазмуни замонавий фан ютуқлари асосига қурилишини ва улар албатта ўқув дастурларида, дарсликларда, ўқув қўлланмаларида акс этишини тақазо этади. Илмий тушунчаларнинг қисқа ва аниқ сўзларда акс эттиришишни эътиборда тутади. Илмийлик қоидасини амалга тадбиқ этиш талабларни илмий-тадқиқот ишларига жалб этиши, уларга фикрларини қисқа ва аниқ илмий тушунчаларда ифода этишни ўргатишини талаб қиласди.

2. Лойиҳалашга мослик қоидаси педагогик технологиянинг асосий қоидаларидан бўлиб, ўқув-услубий хужжатларнинг тартибли бўлиши, ўқув жараёни графики, ишчи ўқув режаси, ишчи ўқув предмети дастурининг боблар бўйича мақсадлари, таянч тушунчалари, ўқув жараёни технологияси, билим, кўникма, малакаларни баҳолаш мезонлари бир-бирларига монанд бўлишини, уларнинг бошқалар томонидан ҳам қайта тиклаш мумкинлигини тақазо этади.

3. Тизимлилик қоидаси. Педагогик технологияларнинг барча таркибий элементлари бир-бирлари билан боғлиқ, ўзаро ҳамкорликдадир, бир элементдаги ўзгариш иккинчи бир элементдаги ўзгаришга олиб келади. Педагогик технологияни лойиҳалаштириш, уни амалга ошириш бир бутун тизим сифатида

Ta'limning zamonaviy transformatsiyasi

амалга оширилади.

4. Мақсадга йўналганлик қоидасига кўра, фаннинг мақсади, предметнинг мақсади, ҳар бир боб, бўлим, мавзу, қисм, элемент, тушунчалар мақсадларининг бир-бирларидан келиб чиқиши, тизимлилиги ва уларнинг ҳамкорлиги, оҳир-оқибат аниқ натижага олиб келишин назарда тутилади.

5. Фаолиятий ёндашиш қоидаси психология фанининг шахс-фаолият концепциясига асосланади. Уни педагогик технология жараёнига тадбиқ этсак, берилаётган билим, кўникма ва малакалар, улар билан шахсан ўзаро муносабатлар жараёнида ўзлаштириб олиниши эътиборда тутилади.

6. Бошқаришга мослик қоидаси педагогик диагностика, режалаштириш, моделлаштириш, проектлаштириш, амалиёт, коррекция, баҳолаш ва қайта баҳолаш жараёнларининг бир-бирлари билан омихталиги, бир-бирларидан келиб чиқиши, натижаларнинг бир-бирларига боғлиқ эканлигидан келиб чиқиб педагогик жараённи ташкил этишни тақазо этади. Бунда натижаларнинг бошқа бир вазиятда ҳам бир хил бўлиши назарда тутилади.

7. Ишлаб чиқаришда бир хил технологияга риоя қилиниб, бир хилдаги натижа олинади. Педагогик технологияларга риоя қилинганда, уни режалаштирилганда, лойиҳалаштирилганда ҳам натижа бир хил бўлиши керак. Ана шу маънода педагогик технологияга қайта тиклашга мослик қоидаси киритилган.

8. Самарадорлик қоидасига кўра, ишлаб чиқаришда махсулот сифати юқори бўлгани каби, педагогик технологияни лойиҳалаштириш натижаси ҳам юқори сифатли, самарали бўлиши назарда тутилади. Ҳаттоқи, ушбу педагогик технологик лойиҳадан бошқа ўқитувчи фойдаланганда ҳам бир хил самара кутилади. Бу, айтиш мумкинки, педагогик технологиянинг энг асосий қоидаси бўлиб, янги педагогик технологяларни жорий этилишига асосий

сабабидир.

Шундай қилиб, колледжларда, олий ўқув юртларида таълим жараёнини режалаштириш, лойиҳалаштириш ҳамда коррекциялашда берилган таълим мазмуни асосида талабаларда ижодий, мустақил, танқидий фикрлашни тарбиялаш учун педагогик технологияларнинг янги қоидасидан фойдаланиш мақсадга мувофиқдир.

REFERENCES

1. Jalolov J. Chet til o'qitish metodikasi. Toshkent 1996
2. Bauer L. Introducing linguistic morphology. Edinburgh, UK Edinburgh University Press. 2003
3. Nausica M. M. Denison University, Granville, USA. 2017
4. Hamroyev M. Mother tongue. Toshkent. 2012
5. Ingo P. Word-formation in English. Cambridge University Press. 2002
6. Bauer L. Introducing Linguistic Morphology. Georgetown University Press and Edinburgh. 2003